

*Master Saydazimova Munishon Mansur kizi*

*Supervisor i.f.n., docent. Yusupova D.T.*

## WAYS TO IMPROVE THE USE OF MANUFACTURING RESOURCES IN TEXTILE ENTERPRISES

**Abstract.** Increasing of efficiency of the enterprises of the textile industry the great value has rational use of productive resources. As a part of production costs, the big place is taken away to a labor. In the conditions of market economy, the human factor is one of the major factors, resources causing to an effective utilization, labor productivity and production efficiency increase.

**Key words.** Production resources, production costs, cost, net income, gross income.

*Магистрант Сайдазимова Мунишхон Мансур кизи*

*Илмий раҳбар и.ф.н., доц. Юсупова Д.Т.*

## ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация.** Тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми сифатида катта ўрин меҳнатга олинади. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон омили ресурслардан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга тўртки берувчи асосий омиллардан биридир. Ушбу мақолада тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари акс эттирилган.

**Калит сўзлар.** Ишлаб чиқариш ресурслари, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх, соф даромад, ялпи даромад.

Ўзбекистон кўп тармоқли йирик енгил саноатига эга. Унинг ҳисобига ишлаб чиқарилган барча саноат маҳсулотининг 25 фоизи, асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг 13 фоизи ва республикамизда саноатда банд бўлганларнинг 32 фоизи тўғри келади. Бозор муносабатларининг ривожланиши, ташқи савдонинг либераллашуви, молиявий ва моддий-ашёвий оқимлар фаолиятининг жадаллашуви иқтисодий бошқариш тизимига нисбатан янги янги ёндашувларни излаб топишни, ривожлантиришнинг устивор йўналишларини танлаш вазифасини кўяди.

Тўқимачилик тармоғи енгил саноатнинг халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарувчи етакчи соҳа ҳисобланади (газлама, галантерея, трикотаж - тикувчилик буюмлари). Унинг таркибига 285 та йирик корхона ва бирлашмалар кириб, йилига 300,0 минг. тонна калава ип, 157,9 млн. кв. м. ип газлама, 56,4 минг. тонна трикотаж мато, 26,3 млн. жуфт пайпоқ буюмлари, 149,7 млн. дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 3та тикувчилик трикотаж кийимларини моделлаштириш маркази, лойиҳалаштириш-конструкторлик бюроси, фирма савдо шаҳобчалари ва тармоқ банкига эга.

Корхона фаолиятининг пировард натижалари кўп жиҳатдан уни ўраб турган шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам, ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари (ресурслар) ва уларни бирлаштириш, улар ёрдамида меҳнатни ташкил этиш ҳар доим ҳал қилувчи аҳмиятга эга бўлади. Шунинг учун корхона фаолиятини фақат ички ва ташқи шароитларга ва ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлаб қўйиш тўғри бўлмайди. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида бир қанча бозор муаммолари пайдо бўлади: мулк шакллари, баҳони белгилаш, фойда олишнинг осон йўллари топиш, рақобат шароитидан чиқиб кетиш ва бошқалар.

Хом ашё ресурслари ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементи сифатида корхона ишлаб чиқаришига ва иқтисодига катта таъсир кўрсатади. Материал кўп сарфланадиган тармоқларда, хусусан, тикувчилик корхоналарида, хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланиши маҳсулот таннархини пасайтиришининг асосий манбаидир. Тикувчилик саноатида хом

ашёдан унумли фойдаланиш мақсадида рационал бичишнинг жуда кўп математик усулларидан фойдаланилади. Улар орқали чиқиндилар миқдорини камайтиришига эришилади. Иккинчи йўли эса, иложи борича чиққан чиқиндилардан унумли фойдаланишдир.

Ишлаб чиқариш ресурсларининг иккинчи тури-меҳнат ресурслари ва меҳнат потенциалидир. Меҳнат потенциали –бу, меҳнат захираси ёки имкониятидир. Унга меҳнат ресурсларининг умумий сони ва таркиби, маълумот даражаси, профессионал кўникмаси ва ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида меҳнат қилиш қобилияти ақс этади.

Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиши бу раҳбар кадрларнинг етуклигига, билим ва илмнинг даражасига, иш малакаси ҳамда ташкилотчилик қобилиятидан тўлиқ фойдаланишига уларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиши ва тарбиялашдан иборатдир.

Республикада бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларига бир қатор янги талаблар юзага келди. Улар орасида энг муҳимлари қуйидагилар: ижтимоий-психологик диагностика; кадрларни бошқариш тизимини ахборот билан таъминлаш; бандликни бошқариш; зарур бўлган лавозимларга номзодлар танлаш; кадрлар салоҳияти ва ходимларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил этиш; кадрлар маркетингини белгилаш; хизмат мартабасини режалаштириш ва назорат қилиш; ходимларнинг касбий ва психологик мослашуви, кўникиши; меҳнат –ҳуқуқий муносабатлар масалалари; меҳнат этикаси ва эстетикаси.

Бошқарувнинг барча даражаларида инсон ролининг ортиши, иқтисодиётда, шу жумладан, саноатда кенг қамровли таркибий ўзгаришлар содир бўлиши ва рақобат даражасининг ўсиши меҳнат ресурсларини бошқаришга ва улардан самарали фойдаланишига ёндашувни ўзгартиришни тақозо этади.

Молиявий ресурсларга - корхона ўзининг хўжалик фаолияти доирасида имконияти борича топиши мумкин бўлган пул маблағлари мажмуаси киради. Булар ичида энг муҳими ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришидир, чунки ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш, техника ва материаллардан

фойдаланиш, моддий-техника таъминотини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги ҳамма ўзгаришлар харажатлар даражасида ўз аксини топади.

Маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар ресурслардан унумли фойдаланишни амалга ошириши учун энг аввало режалаштирилиши керак. Ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадини олдига қўйган ҳар бир корхона ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш стратегия ва тактикасини ўз корхонаси учун ишлаб чиқади. Бундан кўзланган мақсад- ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё харажатларини камайтириш орқали фойда миқдорини оширишдир. Изланишлар қўлланилган стратегия ва тактиканинг хом ашё харажатларини камайтиришидаги сўнгги босқичи ва муқобил йўли ресурслар тежамкорлигига эришиш эканлигини кўрсатмоқда. Муқобиллик- ресурслардан фойдаланиш стратегия ва тактикасининг таркибий қисми бўлиб, ишлаб чиқаришда иқтисодий тежамкорлик ва самарадорликни оширишга олиб келади.

Модомики, стратегия ва тактика ҳар қандай ишда, шунингдек, моддий, молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишида биринчи навбатда, ҳодимлардан тегишли билим ва иш малакани, ресурслардан фойдаланишида масъулликни, бозор иқтисодиёти шароити шартларини ва фан-техника янгиликларидан воқифликни, илмий тадқиқот ва уларнинг ечимларини теран англашни талаб этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларга ва улардан фойдаланишига бўлган талаб кучаяётганлиги, улар қийматини ўсиши, улардан фойдаланиш даражаси охир-оқибат корхона фаолиятини инқирозга учрамаслиги учун асос бўлиши ҳар қандай ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Ҳозирги пайтда қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва қанча ишлаб чиқаришгина эмас, шу билан бирга бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга қанча ресурс ва маблағ талаб қилиниши ҳам кўпинча корхоналар учун асосий масалаларга айланмоқда. Бу ҳар бир корхонани бир томондан, талабни қондириш, иккинчи томондан, ресурслар харажатининг кам

чиқимли йўллари ахтаришга ундайди. Булардан ташқари, ҳар бир корхона учун характерли бўлган меъёрлаштириш ва ресурсларнинг пуллиги ҳам шуни тақозо этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Strategic Management Of Innovative Processes At Light Industry Enterprises In The Conditions Of Digitalization Of The Economy. International Journal of Scientific & Engineering Research Volume 11, Issue 2, February-2020 1250 ISSN 2229-5518

2. Юсупова Д.Т., Розиков А. Aspects of Organizing Esport-Oriented Textile Products and Export Development. International Journal of Research in Management & Business Studies. (IJRMBS 2020) Vol

3. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Industry characteristics of innovative processes at the enterprises of light industry. European Journal of Economics №2, 2015.Vienna.

4. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Improvement of the innovation system in textile enterprises. ISCIENCE.IN.UA Актуальные вызовы современной науки. Переяслав, LXIII Международная научная конференция, 26-27 сентября 2021г. Сборник научных трудов, Выпуск 9(63).

5. Yusupov Ulugbek Shukrullaevich. Foreign experience in evaluating the efficiency of innovative processes. ISCIENCE.IN.UA Актуальные вызовы современной науки. Переяслав, LXIV Международная научная конференция, 26-27 октября 2021г. Сборник научных трудов, Выпуск 10(64)